

Жобирнинг валима дастурхони



17:11 / 16.01.2018 5055

Расулulloҳнинг шафоати барча умматларига етишига ишора қилувчи кўриниш

Саййидимиз Жобир розияллоҳу анҳу уйларига бориб рўзғорида мавжуд егуликларни текшириб кўрди. Қараса, кичкина эчки боласи ва озгина арпа бор экан. У егуликлар кўпи билан олти-етти кишига етишини тушунди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, у кишининг қулоқларига секин: «Мўъжазгина дастурхон ёзмоқчи эдик, агар ўзингиз бош бўлиб уч-тўртта ҳамроҳларингиз билан борсангиз, яхши бўларди, эй Аллоҳнинг Расули», – деди.

Катта қийинчиликлар давом этиб турган ўша пайтда саҳобаларнинг ҳаммалари ҳандақ қазишда иштирок этаётган эдилар.

Шундай вақтда қўлга киритилган егулик қанчалик оз бўлса ҳам, бошқаларни қўйиб, уч-тўрт киши тақсимлаб олиши адолатданмиди?

Албатта, йўқ. Кичкина улоқча кўринишидаги ўлжа ва озгина арпадан иборат таом келди. Ушбу ризқ ҳамманинг ўртасида тақсимланиши лозим. Шунинг учун Расулulloҳ барча саҳобаларни чақирдилар. Жобир розияллоҳу анҳу таом озлиги учун “уч-тўртта ҳамроҳингиз билан боринг” деганини тушундилар.

Лекин у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа асос билан иш қилдилар. Уни Жобир кўрмаган бўлиши мумкин, лекин Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам кўриб тургандилар. Шунинг учун саҳобаларнинг ҳаммаларини олиб бордилар.

Расулulloҳ: «Мен қозон-ўчоқ тепасида хизматчи бўлиб ўтираман», – деб туриб олдилар. Ваҳоланки, у зотнинг қорни бошқалардан кўра оч эди. Расулulloҳ Жобирга овқат пиширишда фойдаланиладиган катта идиш олиб келишни буюрдилар. Унга нонни майдалаб тўғрадилар. Кейин гўшт ва шўрванинг устига ташладилар. Идишнинг устини ёпиб: «Уларга олиб бор», – дедилар. Расулulloҳнинг ўзлари таомни ликопчаларга солиб у ер, бу ерда ўтирган саҳобаларга тарқатардилар. Ўзлари энг охирида едилар.

Расулulloҳнинг саҳобаларга кўрсатганларидек ўз болаларига меҳрибонлик кўрсата оладиган бирорта онани кўрганмисизлар?

Бу кўриниш бизларни хотиржам қиладиган нарсадир.

Бу Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатлари қиёмат куни мутакаббирлардан бошқа барча умматларга етишига ишорадир.

Имом Бутийнинг «Фиқҳ ус-сийра» номли туркум дастурдан эркин таржима.

Тошкент шаҳар Эшонгузар жоме масжиди имом хатиби Абдуллоҳ Фуломов.